



## НЕМИС ТИЛИ ОҒЗАКИ НУТҚ ФОРМУЛАЛАРИ

*Яхшиев Ашур Абдиевич,  
СамДЧТИ доценти*

**Калит сўзлар:** сўзлашув нутқи, оғзаки нутқ, оғзаки нутқ формулалари, фразеология.

Немис тили сўзлашув нутқи учун оғзаки нутқ формулаларининг фаол ишлатилиши хос. Улар кўпинча турли семантик, модал-баҳолаш ва экспрессив жиҳатларни ўз ичига олади. Немис тили сўзлашув фразеологиясининг ушбу тур типологияси а) яхши ният ва б) ёмон ният маъноларини ўз ичига олган иккита катта семантик таггуруҳларга асосланади. Мазкур оғзаки нутқ формулаларини алоҳида кўриб чиқамиз.

### 1. Яхши ният оғзаки нутқ формулалари

1. Хўрмат, завқ-шавқни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари: Hut ab! Таъзим қиламан !.

2. Саломлашиш оғзаки нутқ формулалари: Guten Tag! Ассалому алайкум! Meinen Empfeh!; Салом!; Guten Abend!; Ассалому алайкум, Хайрли кеч!; Guten Morgen!; Ассалому алайкум, Хайрли тонг !.

3. Хайрлашиш оғзаки нутқ формулалари: Auf Wiedersehen!; Хайр!; Auf Wiederhören!; Хайр!; Auf bald also!; Кўришгунча!; Gott befohlen!; Кўришгунча омон бўлинг, Яхши қолинг!; Bleib mir gewogen!; Яхшилик билан эсланг, Ёмонлаб тилга олманг!; Bis gleich!; Кўришгунча!; Gute Nacht!; Хайрли тун!; Lebe wohl!; Яхши қол!; Mach s gut!; Соғ бўл !.

Мезбон томонидан меҳмонларни кутиб олиши вақтида ишлатиладиган оғзаки нутқ формулалари ҳам ушбу семантик гуруҳга тегишли: Sie sind uns stets angenehm Сизни кўрганимдан ҳар доим хурсандман Kommen Sie gut heim!; Яхши боринг!; Уйга яхши етиб келинг!. Ёки Mensch Meier!; Кимни кўряпман!; каби турғун фразеологик бирликлар.

4. Турли эзгу тилакларни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари:

1) Оқ йўл тилаш: Angenehme Reise!; Оқ йўл!; Glücklichen Rutsch!; Сафарингиз бехатар бўлсин!; Glück auf den Weg!; Яхши боринг, Ишингиз хайрли бўлсин!; Gute Reise!; Оқ йўл!; Mit Glück!; Яхши боринг!;

2) Ёқимли дам олишни тилаш: Angenehme Ruhe!; Яхши дам олинг!; Möge deine Reise glücklich verlaufen!; Саёҳатинг чиройли ўтсин!;

3) Бировга саломатлик, бахт-саодат, муваффақият, омад, яхшилик тилаш: Behüt dich Gott!; Худо асрасин!; Laß es dir gut (wohl) bekommen!; Бу сенинг фойдангда бўлган!; Gehab (e) dich wohl!; Соғ бўл!; Zur gesundheit!; Саломат бўлинг!; Er lebe hoch!; Er soll leben!; Унинг соғлиги учун!; Mögest du glücklich sein!; Бахтли бўл!;

4) Бирор кишига, бирор нарсада муваффақият тилаш: Ich wünsche Ihnen ein gutes Fortkommen!; Сизга муваффақият тилайман!; Guten Erfolg!; Муваффақият тилайман!; Glück zu!; Омад сизга!;

5) Бирор кишига тезроқ соғайиб кетишини тилаш: (Ich wünsche Ihnen) gute (baldige) Besserung!; Тез соғайиб кетинг!; Gute Besserung!; Соғайиб кетинг!;

6) Ёқимли иштаҳа тилаш: Wohl bekomm s!; Ош бўлсин!; Ein gedeihliches Mittagessen allerseits!; Ёқимли иштаҳа!; Guten Appetit!; Ёқимли иштаҳа!; Gesegnete Mahlzeit!; Ош бўлсин, Ёқимли иштаҳа!; Prosit Mahlzeit!; Ош бўлсин, Ёқимли иштаҳа !. Бунда ҳазил-мутойиба тусга эга бўлган оғзаки нутқ формулалари ҳам учрайди: Guten Hunger!; Ёқимли иштаҳа !. Ушбу турга қадах кўтаришда ишлатиладиган оғзаки нутқ формулалари қиради: Die wir meinen!; Барча кадрдон инсонларнинг соғлиги учун!; Prosit allerseits!; Барчаларнинг соғлиги учун!;



7) Ишларда, меҳнатда муваффақият тилаш, бировга далда бериш: Mach nur so fort!; Шу алфозда давом эттир!; Glück zu!; Омад тилайман!;

8) Табрик кўринишидаги оғзаки нутқ формулалари: Prosit Neujahr!; Янги йилингиз билан!; Glücklichen Rutsch ins Neue Jahr!; Янги йилингиз билан!;

Кўрсатиб ўтилган оғзаки нутқ формулаларининг айримлари учун маълум семантик кўпвазифалик хос. У турли нутқий вазиятларда намоён бўлади Шундай қилиб, оғзаки нутқ формуласи Guten Abend!; Саломлашишда ва хайрлашишда Хайрли тун!; маъносини беради Mein Beileid 1) Мен сизга чуқур таъзиямни билдираман!, 2) кинояли: табриклайман!; Wie beliebt? 1) Хизмат? 2) Илтимос, қайтаринг.

Оғзаки нутқ формулаларининг кўп вазифалилиги ҳам семантик характерга эга бўлиши мумкин. Қиёсланг: оғзаки нутқ формуласи кинояли тус билан ёки усиз амалга оширилган ҳолатлар: Das ist (doch) einzig!; Қойил!; Ажойиб!; Анча мураккаб маънога ҳамда иккита алоҳида семантик тус синтезига эга бўлган оғзаки нутқ формулалари семантик кўпвазифалилик турларидан далолат беради. Мисол учун, ушбу ҳолат а) хайрлашиш ва б) яхши дам олиш тилаги маъноларини билдирган Geruhsame Nacht!; Хайрли тун!; оғзаки нутқ формуласига хос. Шунга мос равишда, бир хил сўзлашув вазиятда битта образни етказиб беришда семантик-модал тус орқали фарқланувчи бир-бирига синоним оғзаки нутқ формулалари кўлланилиши мумкин. Қиёсланг: **Gluckliche** Reise!; ва Glücklichen Rutsch!; Оқ йўл!; синонимлар жуфтидан иккинчи оғзаки нутқ формуласи ҳазил-мутойиба тусга эга.

5. Бирор нарса ёки бирор киши борасида завқланишни, хурсандликни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари: Alle Achtung!; Зўр!; Жуда соз!; Гап йўк!; Das ist Marke!; Жуда ҳам яхши!; Жуда соз!; Das ist ein wahres Meerwunder!; Бу ҳақиқий мўъжиза !.

6. Бирор-кишига мурожаатни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари:

Alter Schwede!, Alter Junge!; Оғайним!; Биродар!; Mein Bester!; Азизим!; Meine Beste!; Азизам!; Alter Bursche!; Дўстим!; Gnädige Frau!, Gnädiges Fraulein!; Хоним!, Мухтарама хоним!; Gnädiger Herr!; Таксир!, Мухтарам жаноб!; Altes Haus!; Оғайним!, Дўстим!; Guter Mann!; Азизим!; Mein Herr!; Таксир!, Мухтарам жаноб!; Meime Herren!; Жаноблар!, Мухтарам жаноблар!; Meine Damen und Herren!; Хонимлар ва жаноблар!; Mein Herzchen!; Жоним!; Alter Knabe!; Ҳой, отахон!; Liebe Leuten!; Дўстларим!; Азизларим!; Lieber Mann!; Қадрли дўстим!; Meine Maus!; Севгилим!; Mein Mäuschen!; Жонгинам!; Mein Schatz!; Бебаҳогинам!; Менинг хазинам!;

7. Маълум шахсни тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари: Das ist ein Kerl Иродали одам, Бу ҳақиқий йигит!;. Бунда марҳамат, раҳм семантикасини кучайтирувчи турли модал туслар ифодаланadi. Қиёсланг: шахсларни тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари: Ein armes Luder Бечора, шўрлик Die guten Leuten!; Бечоралар!. Ёки бундай оғзаки нутқ формулалари шахсни камситиб, хўрлаб баҳолайди: So ein Luder!; Ярамас!; Ein freches Luder Сурбет ва ҳоқазо, ҳақоратлаб сўкишларгача: Ein Luder von eines Frauenzimmer Ярамас аёл. Ушбу тавсифлар учинчи шахсга мўлжалланган. Бироқ бундай семантикага эга оғзаки нутқ формулалари бевосита суҳбатдошга нисбатан ишлатилиши мумкин: Du armes Kind!; Бечорагина!. Суҳбатдошни ёки умуман маълум бир шахсни тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари алоҳида ажралиб туради: Das ist eine Marke!; Ғалати одам!; Der Junge ist nicht von Pappe!. Бу йигит аҳмоқ эмас!. Улар суҳбатдошнинг (гапираётган шахснинг) ўзига нисбатан ҳам ишлатилиши мумкин: Ich Armer!; Мен нотавон!. Бундай оғзаки нутқ формулаларидаги тавсифлар сўзлашув нутқида кўшимча семантик-модал, кўпинча ҳазил-мутойиба тусни ўз ичига олади: Du armes Würstchen!; Бечорагинам!; Hier hängt er!; Мана ман!. Умуман олганда, шахсни тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари учун ҳазил-



мутойиба модал тусининг мавжудлиги ўзига хос ҳисобланади. Қиёсланг: Er ist kaum drei Käse hoch Ҳали жуда кичкина, митти .

8. Сўзловчи томонидан миннатдорчилик ёки сўзлашув вазиятдаги шеригининг иш-ҳаракатларига берилган баҳони юқори даражада ифодаланган оғзаки нутқ формулалари: Das war sehr anständig von Ihnen Жуда марҳаматли экансиз, Марҳаматимизнинг чеки йўқ.

9. Адресатга сўзловчи учун бирор нарсани қилиш, бажаришга даъватни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари. Одатда бундай формулалар лукманинг охирида қўлланилади, мисол учун: Tu mir die Liebe an!; Илтимос, мен учун буни қил!.

10. Маъносида миннатдорчилик ёки мадҳ қилиш умумлашган тарзда берилган оғзаки нутқ формулалари: Gott sei Dank!; Худога шукур!; Dem Himmel sei Dank!; Ҳайрият!; Gott sei Lob und Dank!; Худога шукур!. Бунда ушбу формулалар ҳазил-мутойиба тусини ўз ичига олиши мумкин: Dem Hergott sei (es) getrommelt und gepiffen!;

Адресат учун ёқимли, маъқул нарсани таъкидловчи иборалар ўз семантикаси бўйича яхши ният оғзаки нутқ формулалари турларига яқинлашади. Бундай формулалар сўзловчи томонидан хотиржам тарзда, ҳеч қандай ҳиссий хаяжонларсиз талаффуз этилади, қиёсланг: Du bist d(a)ran!; Омадинг келди !.

## 2. Ёмон ният оғзаки нутқ формулалари

Ушбу иборалар немис тили сўзлашув нутқида семантик-модал муносабатларнинг мутлақ хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларда кўполлик, адоват, нафрат, менсимаслик каби тусларни пайқаш мумкин.

Шундай қилиб, ушбу оғзаки нутқ формулалари бирор кишига чиқиб кетишга ундовчи кўпол бўйруқларни ифодалайди. Ўз шакли бўйича улар кўпинча “феъл + ажраладиган олд кўшимча” сўзусти тузилмасига эга бир қолипдаги ундов гаплар ҳисобланади: Нау ab!; Йўқол бу ердан!; Тўёғингни шикиллат!; Schramm

ab!; Бу ердан жўнаб қол!. Уларга кенгайтирилган компонентли турлари қўшилади: Mach, daß du fortkommst!; Тошингни тер!; Ab nach Kassel!; Тўрт томонинг қибла!.

Ушбу семантик гуруҳга мансуб кўпгина оғзаки нутқ формулалари учун ўта кўполликни ифодалашнинг юқори даражаси характерлидир: Geh zum Kuckuck!; Йўқол!; (Geh/Scher dich/) zum Kuckuck!; Йўқол, бор-э!; Fahr zur Hölle!; Йўқол!; Gleich kratz dich die Mordkommission von der Wand!; Йўқол, ҳозир ўласан!; Daß Pest hole (schlege)!; Тўрт томонинг қибла!. Бунда бирор ҳаракатни тўхтатишга ундовчи оғзаки нутқ формулалари ажралиб туради: Lassen Sie das bleiben!; Бўлди!; Бас қилинг!; бирор кишига нисбатан нафратни ифодалувчи оғзаки нутқ формулалари: Ich hasse ihn wie die Sünde!; Уни кўришга кўзим йўқ!; Ундан улгудай нафратланаман!; лаънат формулалари: Der Fluch soll ihn treffen!; Ер ютгур!; Қуриб кетгур!. Бирор кишини ҳақоратловчи, салбий тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари сермахсул ҳисобланади. Кўпинча улар адресатни ранжитадиган, ҳафа қиладиган мурожаатлар, лақаблардан иборат: So ein blöder Affe!; Аҳмоқ, каллаварам!; So ein Ochse!; Аҳмоқ, хўкиз!; So ein aufgeblasener Affe!; Мағрур аҳмоқ!; Ein ausgemachter Narr Ғирт (кип-қизил жинни, аҳмоқ Du bist wohl als Kind zu heiß gebadet worden Йўрғакда чалиб кетган , Калланг ишламайди! Du hast wohl eine weiche Birne!; Ғирт аҳмоқсан!; Ist das einmal ein Esel!; Эшак, ярамас!; So eine Flasche!; Аҳмоқлигига қаранг!; Du hast wohl einen Furz gefrühstückt Эсингни едингми? Mensch, du hast wohl einen Bruch!; Хаёлинг кирди-чикди бўлиб қолибди!; Бир қайнови ичида, кирарли-чиқарли Du bist wohl nicht bei dir Ақлинг жойида эмас Du kannst mich gern haben!; Аҳмоқсан!; Dummer Junge!; Ғирт бефаҳм!; Ein kompletter Dummkopf (Dusse) Ғирт аҳмоқ Eine dumme Kuh Аҳмоқ (аёл) So ein trauriger Mond!; Ёмон мижғов экан!; Du bist (vielleicht) eine doofe Nuß!; Ғирт аҳмоқсан !.



Бундай гуруҳ оғзаки нутқ формулаларда кўполлик даражаси *du* олмошининг ишлатилиши орқали урғу бериб оширилади: *Du Ekel!*; Кўланса, жирканч! *Du alter Esel!*; Эшак!. Ушбу турга “сен” эскирган маъносида ишлатилган ег олмошини ўз ичига олган оғзаки нутқ формулалари киради: *Er Schuft!*; Ярамас, аблах!. Бундай кўпол мурожаатлардан сўнг кейинчалик ҳақоратомуз луқмаларга ўтилади: *Du Hund!*; Итвачча!. Умуман олганда, кўплаб ёмон ният оғзаки нутқ формулаларга суҳбатдошга нисбатан мутлақ кўполлик хос. Баъзи оғзаки нутқ формулаларни қиёсланг: *Blas mir auf den Kopf!*; Сенга тупурдим, менга ҳеч нарса қила олмайсан .

Бирор кишини атовчи ёки тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари: *So ein Igel!*; Бунча ўжар, Али деса, бали дейди. Бундай баҳоловчи оғзаки нутқ формулалари енгил киноя, такаббурлик, менсимаслик тусларини ўз ичига олиши мумкин: *So ein Bürschen!*; Шумтака, шум бола *Ein sauberer (netter) Burschel!*; Қўлидан ҳар қандай ёмон иш келадиган йигит.

Қаҳрамонни салбий тарзда тавсифловчи оғзаки нутқ формулалари хусусан унинг бирор ишни бажариш имкониятларидан шубҳаланишни ифодалайди: *Du kannst dich begraben lassen!*; *Laß dich begraben* Кучинг етмайди, Кўлингдан келмайди, ичагинг торлик қилади! *Du hast den Bogen (die Kurve) noch nicht heraus Du hast die Kurve noch nicht weg (heraus)* Кучинг етмайди. Бунда ушбу оғзаки нутқ формулаларининг баъзилари бировни камситиб тавсифлаб, ноқобил, инсон қиёфасини, ғурурини, шаънини йўқотган киши каби қоралайди: *Du bist nicht wert, daß dich die Sonne bescheint!*; Яшашга лойиқ эмассан, одам эмассан.

Бирор кишига бахтсизлик, ёмонликни тиловчи оғзаки нутқ формулалари: *Daß du die Motten kriegst!*; Қуриб кет!; Юрак бағринг қонга тўлсин!;. Уларнинг сафига ишда, ниятларда, ҳаракатларда машъум тилакларни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари

қўшилади: *Lassen wir ihn anlaufen!*; Ўз бошини (бу ишда) ўзи ейди!; .

Бирор кишига нисбатан ҳар хил маъноли таҳдид қилувчи оғзаки нутқ формулалари: *Ich spiel ihm auf!*; Мен уни ҳали ўйнатаман!; Таъзирини бериб кўяман!; *Das Lügen will ich dir schon austreiben!*; Ёлғон гапириш одатингни йўқотаман!; *Ich werde es ihm (schon noch) besorgen!*; Адабини бераман!; Ақлини киритиб кўяман!; *Wart, Bürachchen, ich will dich lehren!*; Сеними, шошмай тур!; Адабингни бераман!; *Gleich gibt es etwas!*; Ҳозир сени калтаклайман!; *Ich haue dir eine runter, daß du denkst, Ostern und Pfingsten fallen auf einen Tag* Кўрсатиб кўяман ҳали сенга, шошмай тур!.

Бу ерда оғзаки нутқ формулаларининг турли таггуруҳлари ажралиб туради. Масалан, улар биринчи шахснинг иккинчи шахсга таҳдидларини ифодалайди: *Ich haue dich, daß du in keinen Sarg mehr paßt!*; Мен сени шундай дўппослайман, туққан онанг ҳам танимайди *Komm mir nicht in die Nähe!*; Йўқол, кўзимга кўринма!; *Du wirst dich (noch) putzen!*; Сен ҳали бадалини тўлайсан!; *Ich habe noch ein Hühnchen mit dir zu rupfen!*; Сен билан ҳали ҳисоб-китобим бор!; Сен билан ҳали орани очиқ қилишимиз керак!.

Ушбу қаторга учинчи шахсга нисбатан таҳдидни ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари ҳам киради: *Ich werde ihn mir schon (noch) kaufen*, Унинг адабини бериб кўяман *Der kann mir im Mondschein begegnen!*; Мен уни билишни ҳам хоҳламайман!; Унга тупурдим !. Ёмон ният оғзаки нутқ формулалари ўз ичига олувчи мазкур семантик тур немис диалогик нутқида жуда сермахсул ҳисобланади. Қўйидаги намуналарни қиёсланг: *Ich will es ihm (schon) einbrocken!*; Орқасига қалампир кўяман!; Адабини бераман!; *Dich stecke ich noch dreimal ein!*; Мен билан тортиша олмайсан!; *Dem werd ich s schon (noch) eintränken* Унга кўрсатиб кўяман!, Уни бунда кечирмайман!; *Gleich gibt es etwas!*; Ҳозир сени адабингни бераман!; *Wenn ich dich erwische, da kannst du dir gratulieren!*; Қўлимга тушсанг, ўзингдан





кўр!; Ich werde ihm zeigen, was eine Narke ist Онасини учқўрғондан кўрсатаман Ich werde dir helfen!; Шошмай тур, ҳали кўрасан!; Sie sollen mich noch kennenlernen!; Ҳали мени кимлигимни билиб оласизлар!. Оғзаки нутқ формулаларида бундай семантика сўзловчининг бировнинг адабини бериб кўйиши даъватини ифодалайди: Gib ihm doch eins (mit dem Stock)!; Уни (таёқ билан) яхшилаб ур!; Gib ihm Saures!; Уни яхшигина ур!;

Адресатга қилмишининг оқибатлари ҳақида эслатиб қаттиқ огоҳлантириш оғзаки нутқ формулалари: Das könnte dir übel aufstoßen!; Бунинг учун ҳали таъзирингни еб қолмасанг!; Da wird ihm was Schönes blühen!; Ҳали бунинг учун

ҳақини олади!; Dir wird s schon auch noch mal in die Bude regnen!; Эҳтиёт бўл, балога қоласан!. Адресат учун содир бўлган ёқимсиз воқеа-ҳодиса маъносини ифодаловчи оғзаки нутқ формулалари: Da hast du s!; Ўйнашиб бўлдингми!, Бир аҳволга бориб етдинг!. Бошқа томондан, баъзи оғзаки нутқ формулаларида адресатга ўзини босиш, бирор нарса ҳақида ортиқча шубҳалардан халос бўлишига даъват этиш ифодаланади: Tue nur nicht so gefährlich!; Васвос бўлма!; Бўрттириб юборма!.

Оғзаки нутқ формулаларининг юқорида кўрсатилган катта турларига фразеологик бирликларнинг баъзи бошқа гуруҳлари ҳам кўшилиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Умарходжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. – Андижон: АДТПИ, 2010. -150 Б.

2. Чернышева И. И. Текстобразующие потенции фразеологических единиц // Лингвистика текста, ч. II. - М., 1974. - С. 155 - 160.

3. Сафаров Ш. О дискурсивно-прагматической природе директивных речевых актов // Текст: структура и анализ. – М., 1989. - С. 142-146.

4. Dobrovolskij D., Pirainen E. Zur Theorie der Phraseologie: Kognitive und kulturelle Aspekte. –Tübingen: Stauffenburg, 2009. -298 S.

5. Duden. Deutsches Universalwörterbuch A-Z. Bearbeitet von G. Drosdowski und der Duden – Redaktion. - Mannheim u.a., 1996. - 1160 S.

6 Duden. Redewendungen und sprichwörtliche Redensarten. Bearbeitet von G. Drosdowski und W. Scholze – Stubenrecht. Mannheim u.a. 1992. 428 S.

*Яхшиев А. Речевые формулы устной речи на немецком языке. Настоящая статья исследует семантико-структурные особенности речевых формул устной речи на немецком языке.*

*Yakhshiev A. Oral speech formulas in the German language. The present article investigates semantic-structural peculiarities of oral speech formulas in the German language.*